O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 23-avgust • Shanba • 100 (27.905) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Истиқлол йилларида қўлга киритилган асрларга татигулик ютуқлар, Ватанимизнинг тобора ортиб бораётган куч-қудрати, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ижодкорларни янгидан-янги марралар, илғор ғоялар сари илҳомлантирмоқда.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолибларига совринларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, санъат, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларини изчил равнақ топтириш, миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгида она-юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини шакллантириш жараёни ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантириш билан ҳамоҳанг тарзда кечаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида қўлга киритилган асрларга татигулик ютуқлар, Ватанимизнинг тобора ортиб бораётган куч-қудрати, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ижодкорларни янгидан-янги марралар, илғор ғоялар сари илҳомлантирмоқда. Бу эса халқимиз, айниқса, навқирон авлодни эзгуликка даъват этувчи, улар онгу шуурида олижаноб фазилатларни шакллантиришда, мустақил диёримизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар бўлишга чорловчи етук асарлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танловини ҳар йили Истиқлол байрами арафасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия ҳамкорлигида ўтказиш яхши анъанага айланган.

Танлов мустақиллигимизнинг мазмун-моҳиятини, қадр-қимматини англаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг муҳим гарови эканини, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар ҳаётимиз қонасига айланганини таъсирчан ва самарали тарзда бадиий асарлар орқали кўрсатиб беришда катта аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу ижодий беллашув адабиёт, журналистика, тасвирий, фото, кино санъати соҳасида янгидан-янги юксак савияли асарларнинг яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда мазкур ижодий беллашувнинг ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари, телерадиоижодкорларининг материаллари, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари номинациясида 962 нафар муаллиф 6600 дан ортиқ ижодий иши билан иштирок этди. Бу эса танловнинг мавқеи ва аҳамияти халқимиз, айниқса, ижод аҳли ўртасида тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Тадбирда танлов ғолиб ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Танлов ғолиблари — шоир Салим Ашур, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти мухбир-репортёри Шуҳрат Иброҳимов, «Молодежь Узбекистана» газетаси мухбири Александра Спиридонова ва бошқалар ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш, қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатаётган юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Суратда: мукофотланганларнинг бир гуруҳи.

2-бет

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Миллий ассамблеяси Спикерининг ўринбосари Ли Юн Сонг раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланган эди. Айни пайтда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик стратегик шериклик тамойилларига мос равишда изчил ривожланиб бормоқда.

— Ташриф асносида юртингизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик, — деди Ли Юн Song. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда икки томонлама дўстлик ришталари янада мустаҳкамланиб бораверишига ишонамиз.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, бу йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Шу куни делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан ҳам музокара ўтказди.

Меҳмонлар Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

(ЎзА)

ОМАН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Оман Султонлиги олий таълим вазири Ровия бинт Сауд Ал-Бусаидия раҳбарлигидаги делегация 22 август куни пойтахтимиздаги қатор олий таълим ва илмий муассасаларда учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти директори Сурайё Каримова билан бўлган мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳалар қатори академик доирада ҳам ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар мазкур институт фаолияти билан танишар эканлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавияти асосларини мустаҳкамлаш, миллий-маърифий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини кенг ва атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш, бой маънавий меросидан барчани, айниқса, ёшларни баҳраманд этиш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар.

Учрашувда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти билан Омандаги «Султон Қобус» университети ўртасида ҳамкорлик ўрнатишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Мамлакатларимиз ўртасида қўлёзма асарларни ўрганиш ва тадқиқ этиш, нашрга тайёрлаш, илмий ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш, тажриба ва ахборот алмашиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

— Юртингизнинг қадимий ноёб китоб ва қўлёзмаларга бойлиги мени ҳайратга солди, — деди Ровия бинт Сауд Ал-Бусаидия. — Бу мамлакатингизнинг буюк тарихи, аждодларингиз қолдирган бой маънавий мерос нечоғли улкан эканидан яна бир далолатдир. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Оман делегацияси аъзолари Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейида ҳам бўлдилар.

(ЎзА)

☑ **Сўз — Ўзбекистон ХДП етакчиларига**

ЖОНЛИ ФАОЛИЯТ САМАРАСИ

Мустақиллик туфайли дунёга қарашимиз, буюк тарихимиз, миллий қадриятларимизга муносабатимиз тубдан ўзгарди. Онгимиз, руҳиятимиз, маънавиятимиз, ахлоқий қарашларимизда янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Миллий менталитетимиз (ўзлигимиз)ни тикладик. Тафаккуримиз, дунёқарашимиз, фикрларимиз эркин. Жамиятнинг ҳар бир фуқароси юртимиздаги буюк ўзгаришларни юксак онг, уйғоқ фикр, зийрак тушунча, ҳушёр нигоҳ билан идрок этаяпти. Ўтган ўн етти йил давомида эришган энг катта ва энг муҳим ютуғимиз — бу аҳолининг фаоллиги ошаётгани, ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш, мамлакатимизнинг келажаги буюклигига қатъий ишончидир. Бундай натижаларга эришишимизда тарғибот-ташвиқот ишларининг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

Ана шундай ғоявий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ишлари партия ташкилотлари мафкуравий фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят, шаҳар, туман кенгашлари атрофида жипслашган юзлаб партия фаоллари, сиёсий тарғиботчилар партиявий-мафкуравий ишларни жонлантириш борасида мунтазам фаоллик кўрсатмоқдалар. Вилоят партия ташкилотининг мафкуравий ишлари мамлакатимизда юз берган беқиёс ўзгаришлар, янгиланишларни кенг оммага ўзига хос йўналишларда чуқур тушунтиришга қаратилган.

Аҳолининг барча қатламлари билан мулоқотда бўлиш, уни кенгроқ қамраб олишда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими семинарларининг афзалликларини таъкидлаш жоиз. Уларда тингловчилар сони йилдан-йилга ошиб бораяпти. Машғулотлар ҳамиша куннинг энг долзарб, муҳим масалаларига бағишланиб, уларнинг самарадорлиги юқори бўлаяпти.

2-бет

ТОШКЕНТДА ЕР СИЛКИНДИ

Ўзбекистон пойтахтида 22 август куни соат 13 дан 26 дақиқа ўтганда ер силкинди.

«Тошкент» марказий сейсмик станциясидан олинган дастлабки маълумотларга кўра, ер ости силкинишининг кучи ўн икки балли шкала бўйича 6, Рихтер шкаласи бўйича 4,5 баллни ташкил этган. Зилзила маркази Тошкентдан 15-20 километр узоқликда жойлашган Назарбек қўрғонида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан маълум қилишларича, қурбонлар ва вайронгарчилик йўқ.

(ЎзА)

ХАЛҚ МЕҲРИ ВА ИШОНЧИДАН КУЧ ОЛГАНЛАР

XXIX ёзги Олимпия ўйинларида эркин кураш бўйича ҳамюртимиз Артур Таймазов (120 кг.) ўз вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди.

Пекин олимпиадаси баҳсларининг сўнгги кунлари мустақил юртимиз спортчилари учун муваффақиятларга бой ўтмоқда. Унда, айниқса, эркин курашчиларимизнинг эришган ғалабалари мамлакатимиз мустақиллигининг ўн етти йиллигини нишонлашга катта ҳозирлик кўраётган халқимизга ажойиб совға бўлди.

3-бет

САМАРҚАНД НОНЛАРИ

Мустақиллик байрами арафасида Самарқанд шаҳрида «Самарқанд нонлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Самарқанд замини азалдан нафақат буюк мутафаккирлари, тарихий обидалари, балки етти иқлимга машҳур нонлари билан ҳам довруғ таратган. Бу азиз неъматнинг чиройли кўриниши, бетакрор таъми дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрадиган сайёҳларни ҳам ҳайратга солиб келади.

Мазкур танлов юртимизда азалий қадрият ва анъаналарни қайта тиклаш ва кенг тарғиб этиш, хусусан, Самарқанд нонлари шуҳратини янада юксалтириш мақсадида ташкил этилди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларида ғолибликни қўлга киритган 200 нафардан зиёд новвой, шунингдек, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар иштирок этди.

Танловда новвойлар ўз ҳудудларида тайёрланиб келинаётган пўлоти, ширмой, жиззали, пиёзли, гўштли, седанали, патир каби 50 хилдан зиёд нонларни намойиш этди.

Танлов якунида Самарқанд ва Пахтачи туманлари новвойлари биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Самарқанд шаҳри, Ургут, Каттақўрғон ва Пайариқ туманлари вакилларига насиб этди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Суратда: кўрик-танловдан лавҳа.

Ҳусан ТЎҒИЗОВ
олган сурат

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ҒОЛИБЛАРИ

1.ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРНИНГ БАДИИЙ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин:
Салим Ашур — шоир — «Она тилим» шеърий китоби учун
2-ўрин:
Энахон Сиддиқова — ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъул котиби — «Тиббиёт фидойилари» — замондошлар ҳақидаги очерклар ва ҳикоялар китоби учун
3-ўрин:
Менглибой Муродов — ёзувчи (Навоий вилояти) — «Гуноҳ» романи учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1 **Илҳом Зойир** — Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бўлими мудири — «Ҳолва емаган бола» қиссаси учун
2 **Исмоил Тўхтамишев** — шоир (Қашқадарё вилояти) — «Шонли таянч» шеърий тўплами учун

2. БОСМА ОАВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин:
Ҳулкар Тўйманова — «Маърифат» газетаси бўлими муҳаррири — Маънавият мавзусида тайёрлаган «Қалб риштаси» мавзуидаги туркум мақолалари учун
2-ўрин:
Ўроз Ҳайдаров — «Посбон» газетаси бош муҳаррири (Қашқадарё вилояти) — Истиқлол йилларида ички ишлар тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақидаги материаллари учун
3-ўрин:
Эрпўлат Бахт — «Хоразм ёшлари» газетаси муҳаррири — «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросига бағишланган мақолалари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Александра Спиридонова** — «Молодежь Узбекистана» газетаси мухбири — Ёшлар ҳаётига бағишланган материаллари учун
2. **Аҳмадали Шерназаров** — «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг бўлими мудири — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб тайёрланган «Ўзбекистон бўйлаб» мавзуидаги туркум мақолалари учун

3. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ИЖОДКОРЛАРИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин:
Шуҳрат Иброҳимов — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририятининг мухбир-репортёри — Мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги ва маънавий-маърифий йўналишдаги кўрсатувлари учун
2-ўрин:
Зилола Худойқулова — Ўзбекистон ЭОАВМА «Истиқлол» телевидениеси бош муҳаррири (Бухоро вилояти) — «Мозийдан садо» мавзуидаги туркум кўрсатувлари учун
3-ўрин:
Марат Таймуратов — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири — «Жипек жолы», «Янги аср магистрали» туркум кўрсатувлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Худойназар Дўстқобилов** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти бош муҳаррири — «Келажагимиз гарови» ва «Миллий университет: кеча ва бугун» кўп қисмли радиофильмлари учун
2. **Бекпўлат Тоғаев** — Ўзбекистон ЭОАВМА «Жиззах» телевидениеси бош муҳаррири — Миллий ҳунармандчилик ва миллий қадриятлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун

4. ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин:
Муҳаммад Амин (Мамадаминов Алмурот) — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА фотомухбири — Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида эришилган ютуқларни акс эттирувчи фотосуратлари учун
2-ўрин:
Жолдасбек Куттимуротов — ҳайкалтарош (Қорақалпоғистон Республикаси) — «Ён, ёнавер, юлдузим менинг», «Орол Мадоннаси» ва «Чинорим менинг» асарлари учун
3-ўрин:
Аҳлиддин Холиқов — Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Андижон вилояти бўлими дизайнери — Вилоятдаги маънавий-маърифий соҳада эришилган ютуқларни тарғиб этишга ва Ёшлар йилига бағишланган дизайн ишлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Суннатилла Сулаймонов** — Ўзбекистон Пазандалар ассоциацияси бош мутахассиси-дизайнери — «Моҳир пазанда», «Шифобахш салатлар», «Лаззатбахш хамирли таомлар», «Шоҳона таомлар» ҳамда «Пишириқлар ва тортлар» китобларига ишлаган бадиий безаклари учун
2. **Абдуҳаким Каримов** — миниатюрачи рассом — Алишер Навоий, Амир Темур, Заҳириддин Бобур ва Мирзо Улуғбек сиймоларини яратган миниатюра асарлари учун

5. КИНО САНЪАТИ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин:
Нажмиддин Ғуломов — «Ўзбекфильм» киностудияси кинооператори — «18-квадрат» фильмидаги операторлик иши учун
2-ўрин:
Ильмира Раҳимжонова — Киноактриса — «Забаржад» ва «Ойдиной» фильмларидаги роллари учун
3-ўрин:
Улуғбек Қодиров — киноактёр — «Панох», «Ошиқлар» ва «Севгинатор» бадиий фильмларида яратган замондошлар образлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Мансур Абдуҳолиқов** — кинорежиссёр — «Робия» ва «Жаҳолат чангалида» фильмлари учун
2. **Лизахоним Ахимбетова** — «Қорақалпоқфильм» киностудияси режиссёри — «Ипак йўли», «Менинг байроғим» ва «Спорт маликаси» ҳужжатли фильмларидаги режиссёрлик иши учун

Маънавият

ВАТАН

НАСРИЙ ҚАСИДА

5.ОЗОДЛИК

Дунёда Ватан ҳисси деган тушунча ҳам бор, бу — муайян замин эгаси бўлмиш халқни билиш, унинг қадрига етиш, нималарга қодир эканини тан олиш ва буюклигини эътироф этиш демақдир. Шу маънода, Ватан ва халқ эгизак тушунча. Ўзбекистон деганда она халқимизни, ўзбек халқи деганда эса Ватанимизни тушунмоқ керак. Бирисиз иккинчисини тасаввур қилиб бўлмайди.

Ватан бу — халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Бу унинг маданияти, маънавияти, тили ва дини, феъл-атвори, мероси, томирида гупириб турган, аждоддан авлодга ўтиб келаётган покиза қони, тарихидаги муҳим босқичлар, буюк давлат қуриш мақсадида олиб бораётган курашидир.

Биз она Ватанимизни севамиз, у биз учун сув билан ҳаво кабидир. Зеро, усиз ҳаёт бўлмайди.

Ватанпарварлик юртнинг маърифатли фарзандлари тимсолида яшаб келади. Саодатли келажакка ҳозир, ҳар дақиқада улуш қўшмоқ, Ватанга муҳаббат ва садоқат ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран идрок этиш, уни жон-дилдан севиш ҳаётга теран мазмун бағишлайди. Она бағри гўдак учун қандай оромбахш бўлса, Ўзбекистон биз учун шундай ҳаётбахшдир.

Ватанпарварлик жумлаи жаҳондаги барча халқларнинг улуғ ва донишманд фарзандларига хос туйғу.

Истибдод даврида халқимизни озодликка ундаган шудир. Мустақиллик учун кураш бир дам бўлсинки, тўхтаб қолмаган.

1991 йилнинг 31 августида Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг мустақиллигини эълон қилгач, Ватаннинг қадри ортди, халқнинг қадди тикланди. Ватан деган муқаддас тушунчадаги сохталиклар барҳам топиб, асл мазмунмоҳияти ойдинлашди. Ватан ва халқ, аждодлар ва тарих, қадриятлар ва мерос, бугун ва келажак ҳақида баралла сўзлаш имкони туғилди. Бинобарин, мамлакат озод ва обод, халқ эркин бўлгандагина Ватан ҳисси юзага келар экан. Бир тасаввур қилиб кўринг, мустамлака даврида Қуръони карим ва Ҳадиси шарифни чоп этиб бўлармиди? «Халқ душмани» Абдулла Қодирий номида кўркам ва улуғвор истироҳат боғи бунёд этилармиди? Соҳибқирон бобомизга «Сквер революции»да ҳайкал ўрнатиб, 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш мумкинмиди? Бу буюк сана ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда нишонланармиди?!

Ватанни қалбан чуқур ҳис қилиш учун ҳам, миллат ватанпарварлик намуналарини кўрсатиши учун ҳам халқ ҳур, Ватан мустақил бўлиши шарт экан. Бугун шу Мустақиллик қўлимизда экан, уни эъзозлашимиз, қадрига етишимиз, қадам-бақадам мустаҳкамлаб боришимиз керак. Мана шу туйғулар, мана шу олижаноб фазилат ва эзгу ҳаракатлар бугунги кун учун ҳақиқий ватанпарварлик намунаси, деб ўйлайман.

Она табиат гўзаллигига мафтун бўлиб, унинг саховатидан баҳрамандлик ҳали Ватанга пайвасталик эмас. Унга инсоннинг жисму жони туташиб кетмоғи керак. Бунинг учун аввало аждодлар ёди, уларнинг хотирасини қадрлаш, олис ва яқин атрофда бўлаётган воқеаларни зийраклик билан кузата бориб, Ватан ҳимояси учун доимо тайёр туриш, ўзининг келажак насллар олдида масъул эканини юрақдан ҳис этиш лозим.

Ватан туйғуси бу — азиз диёримизни пешона тери билан обод ва маъмур этган ота-боболаримиз ёдини эъзозлаш, бугун шу эзгу ишни давом эттираётган фидойи инсонларнинг яратувчилик меҳнатини қадрлаш, шу йўлда сафарбар бўлиш демақдир.

Ватан туйғуси бу — ўз ақлидроки билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Мансур Самарқандий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Имом Аҳмад Насоий, Имом Доримий каби тенгсиз алломаларимизни дилда сақлашдир. Улар исломда Қуръони каримдан кейин энг муқаддас ҳисобланган Ҳадиси шариф тўпламларини тузиб, юртимиз ва халқимизга то қиёмат сўнмас шон-шараф келтирдилар.

Шунингдек, ислом таълимоти равнақига бемисл ҳисса қўшган Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотурудий сингари ўнлаб буюк зотлар бу заминни мўътабар этган.

Ватан туйғуси бу — она юрт ҳимояси йўлида мислсиз матонат кўрсатган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби улуғларга муносиб бўлиб яшашдир.

Ватан туйғуси бу — зулм-истибдоддан қутулиш учун халқни маърифатли бўлишга чорлаган, миллий уйғонишга даъват этган, нажот илмда, бирлик ва ҳаракатда деб билган фидойи зиёлиларни, уларнинг раҳнамолари бўлмиш Мунавваркори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат ҳамда халқимизга қарши уюштирилган қатағонларда қурбон бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби Бурхониддин Марғиноний, Абул Фазл Насафий, Абул Вайс Наср Самарқандий, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек сингари ўнлаб қомусий мутафаккирларни ёдда тутишдир.

Ватан туйғуси юксак бадиий салоҳияти билан ўлмас асарлар яратган Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Сулаймон Боқирғоний, Носириддин Рабғузий каби мумтоз қалам соҳибларини ёдга олишдир.

Ватан туйғуси бу — бутун мусулмон олами эътироф этган олти буюк муҳаддиснинг тўрт нафари бўлмиш Имом Бухорий,

Боши, ўтган сонда.

ЎзХДП ҳаёти

ОЛИС ҚЎРҒОНДА...

Пешқу туман партия кенгаши шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови бўлган Мустақилликнинг моҳияти, аҳамияти, халқимиз тақдирини ўзгартиришдаги ўрнини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратаяпти. Шунинг учун Истиқлол байрамини ўзига хос рухда ўтказишни режалаштирган. Унга мувофиқ, байрам туманнинг чет қишлоқларида ҳам кенг нишонланади. Шу боис, туман марказидан икки юз чақирим олисдаги Жонгелди қўрғонида бугун байрам тантаналарига қизғин ҳозирлик бормоқда.

— Бу йилги байрам ҳар галгидан ўзгача ўтади, — дейди туман партия кенгаши раиси Эркин Холов. — Қўрғондаги замонавий касалхона, 3 та мактаб, мактабгача таълим муассасаларида сафдошларимиз кўп. Бошланғич партия ташкилотларимиз қишлоқ фуқаролар йиғини, ҳомийлар кўмагида кўплаб кўнгилочар тадбирлар ўтказишни режалаштирган. Уларга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаяпти.

Дарвоқе, байрам кунлари арзон нархларда катта савдо ярмаркаси ташкил этиш, кам таъминланган оилаларнинг 40 нафар фарзандига алоҳида эътибор кўрсатиш, 6 нафар болакайнинг суннат тўйини ўтказиш кўзда тутилган. Ҳомийлар улар ҳисобига банкда 50 минг сўмдан омонат дафтарчаси очишни мўлжаллаб турибди. Бундан ташқари, «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида миллий таомлар тайёрлаш бўйича кўрик-танлов, йигитлар ўртасида кураш, арқон тортиш, кўпкари каби миллий спорт мусобақаси ташкил этилади. Хуллас, энг улуғ, энг азиз байрам олис қўрғон аҳлига ҳам ўзига хос қувонч ва шодиёна бахш этади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖОНЛИ ФАОЛИЯТ САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳусусан вилоят кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинарнинг машғулотларини йирик бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллалар, ўқув юртларида ўтказиш тажрибаси яхши самара бермоқда. Янгиер шаҳрида ўтказилган «Маҳалла — сиёсий-мафкуравий, маданий-маънавий, партия дастурий ғояларини тарғиб қилиш маркази», Сардоба тумани марказий касалхонасидаги БПТ негизида «Ёшлар — халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи», Ширин шаҳар иссиқлик электр станциясидаги БПТ негизида «Мамлакатда ҳозирги ижтимоий-сиёсий шароитда Ўзбекистон Халқ демократик партияси мафкурасининг асосий тамойиллари», яқинда Марказий Кенгаш ҳузуридаги сиёсий семинарнинг вилоят партия кенгаши негизида ўтказилиши шулар жумласидандир.

Янги сиёсий-ҳуқуқий шароитда партия Дастурида белгиланган мафкуравий, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда Олий Мажлис Сенати аъзолари Ҳаётхон Ортиқбоева, Мамарайим Исроилов, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, тарғибот гуруҳи аъзоларининг ўрни катта.

Мафкуравий ишларимизнинг асосий йўналишларидан бири — кўргазмали ташвиқот воситаларидир. Вилоят, туман ва шаҳар партия Кенгашлари қошида фа-

олият кўрсатаётган Ахборот-ресурс марказлари Президентимиз асарлари тўплами, сиёсий адабиётлар, мамлакатимиз, партиямиз тўғрисидаги зарур маълумотлар, марказий ва маҳаллий матбуот нашрлари билан таъминланган. Ўзбекистон ХДП Сирдарё туман, Ғулистон, Янгиер шаҳар кенгашлари Ахборот-ресурс марказлари қошида кичик музейлар ҳам ташкил топган. Бугунги кунда АРМни БПТда ҳам ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ғулистон шаҳрининг Муқимий номли маҳалласи, Сирдарё туман Бахт шаҳар марказий касалхонаси, Ширин шаҳридаги Сирдарё иссиқлик электр станцияси ва бошқа бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ҳам АРМ ташкил этилди. Бу партия ташкилотлари аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришида муҳим ўрин тутаяпти.

Вилоятда сиёсий-мафкуравий ишларнинг жонланиши натижасида ҳудудий кенгашлар, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги ошаётгани кузатиляпти. Уларнинг давлат ҳокимияти, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги кенгайиб бораяпти. Фуқароларнинг турли қатламлари вакиллари, айниқса, ёшларнинг партиямиз сафига киришга интилиши кучаймоқда. Биргина 2008 йилнинг 7 ойи мобайнида ХДПга 500 нафардан ортиқ янги аъзо қабул қилинган бўлса, уларнинг барчаси ёшлардир. 2007 йил мобайнида бу кўрсаткич 651 нафарни ташкил этганди. Кўриниб турибдики, бу ХДП вилоят, туман, шаҳар кенгашлари тарғибот гуруҳлари аъзоларининг кўпроқ ёшлар ҳузурида бўлиб, турли тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бораётгани натижасидир.

Маънавият масаласи, ёш авлодни тарбиялаш, янги давр кишисининг маънавиятини шакллантириш, ўйғоқ тафаккур, янгича дунёқарашни такомиллаштириш муаммолари бугунги кунда энг долзарб масала, мафкуравий ишнинг бош йўналишига айланган. Бизнинг бугун бу борада амалга ошираётган ишларимиз албатта эртанги кун учун пойдевор бўлмоғи лозим. Зеро, келажак бугундан бошланади.

Алишер ТОШМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси.

Собиқ иттифоқ даврида марказ топшириғи билан «Изофен», «Которан» сингари ўта заҳарли кимёвий бирикмалар ишлаб чиқарган Навоий «Электрокимё» заводи мустақиллик йилларида

КИМЁ КОРХОНАСИДА ЯНГИ ЛИНИЯ

батамом модернизация қилинди. Натижада, наинки қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоялаш дорилари, балки истеъмолда кенг қўлланиладиган ош тузи ишлаб чиқариш ҳам тўла ўзлаштирилди. Айни кезда корхонада йилига 5 минг тонна «Экстра» типидаги йодланган ош тузи ишлаб чиқарилаяпти.

Истиқлолнинг 17 йиллиги арафасида навоийлик кимёгарлар яна бир хайрли ташаббус билан чиқишди. Улар қурилиш учун зарур бўлган шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Хомашё мамлакатимиз ҳудудларида бўлганлиги сабаб, кимёгарлар янги маҳсулот линияларини Бекобод, Ангрен, Қувасой каби шаҳарларда ҳам очишни мўлжаллашмоқда. Бу пировардида жойларда янги муқим иш ўринлари демақдир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Август ойи — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ

АСАД ОЙИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЮМУШ

Мамлакатимиз шимолида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари сўнгги йилларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорликни тобора ошириб, ялпи ҳосил миқдорини ҳам изчил кўпайтириб келмоқдалар. Ўтган йили ҳудудда давлатга 196 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди ва шартнома режалари ортиғи билан бажарилди.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги нишонланадиган йилда ҳам чигит ва бошқа экинлар қисқа муддатларда агротехника қоидалари асосида экилди. Жумладан, 105 минг гектар майдонга «С-4727», «Оқдарё-6», «Бухоро-6» каби пахта навлари уруғлари қадалди. Баҳор кам ёғин келиб, об-ҳавонинг кескин исиб кетганлигига ва сув оқими миқдори оз бўлишига қарамай, деҳқонлар янги технологиялар ва тажрибали пахтакорларимиз маслаҳатларига амал қилган ҳолда ҳар бир туп ғўзани нобуд қилмасдан мўл ҳосил тўплашга интилмоқдалар.

Республика пахтакорларининг бу йилги марраси 190 минг тонна! Айниқса, ҳудудда энг кўп пахта берадиган Амударё тумани пахтакорлари хирмонга 33 минг 100 тонна ҳосил тўкиш йўлида катта фидойилик кўрсатмоқдалар. Тумандаги 605 фермердан 525 таси фақат пахта етиштиради. Уларнинг ҳар бири шу кунларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш, сув тараш, маҳалий ўғит билан озиқлантириш, чуқур культивация ўтказиш, зараркунандаларга қарши курашиш юмушларида ҳар қачонгидан фаол. «Туркманистон», «Қипчоқ» ММТП хўжаликларида гектаридан 25 центнердан, «Уста Аллаяр», «Айдин» каби фермер хўжаликларида эса 28-30 центнердан ҳосил тўплаш режалаштирилган. Пешқадам механизаторлар, сувчилар мунтазам рағбатлантириб борилмоқда. Бу ерда ҳозир ҳар туп ғўзада 7-8 тадан бўлиқ кўсакларни кўрасиз. Хўжаликларда ғўза қатор ораларига ишлов беришга 370 та культиватор, сув тарашга 1425 нафар сувчи жалб этилган.

Элликқалъа тумани пахтакорлари ҳам шу кунларда 27 минг тоннадан кўпроқ пахта етиштириш мақсадида ёзнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланишаяпти. Ғўза қатор ораларига ишлов беришда барча илғор усулларни ишга солиб, сув танқислиги қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтмоқдалар. Саъдулла Курбонбаев, Умид Йўлдашев, Фарҳод Сапарбаев, Баҳодир Сувонов каби ўнлаб сувчи ва механизаторлар бўлиқ кўсакларни соғлом ҳамда бут олиб қолишда ҳаммага ўрнак.

Хўжайли туман аҳли бу йил давлатга 23 минг 200 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилган. Фермерлар август ойида ҳаво ҳарорати бироз пасайишини ҳисобга олиб, ғўза қатор ораларига 1,5-2 маротаба комплекс ишлов беришни мўлжалланганлар. «Найман», «Оқолтин» ММТП хўжаликларининг ҳар бирида 2010-3300 тонна пахта тайёрлаш режаси белгиланган. «Санабар Сапарбаева», «Сахий Тангатаров» фермер хўжаликларининг ҳар бири 70-155 тоннадан хирмон яратиш ниятида. Баҳром Жуманиязов, Парахат Калжанов каби пешқадам сувчилар тунлари қўлларига фонус олиб, қатор ораларини суғориш саъй-ҳаракатларини қилишаётган бўлсалар, Аразгелди Туёқов, Ботир Тангатаров сингари механизаторлар чуқур культивация ўтказмоқдалар ва бу билан ғўза тубларида намликни сақлашга эришмоқдалар.

Республикамизнинг Чимбой, Кегейли, Қораўзак, Шуманай, Қўнғирот туманларида ҳам «Зарбдор ўттиз кунлик»нинг ҳар кунидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Мавжуд 9566 фермер хўжаликларимиздан 4818 тасида «Август ойи — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови» шиорининг моҳият-эътибори чуқур ва кенг қамровда англанганлиги гувоҳи бўласиз.

Айни шу кеча-кундузда бу хўжаликларда 2 минг нафардан кўпроқ культиваторлар ишлатиляпти. Сув таратишда ҳар куни салкам 6 минг нафар мироблар қатнашмоқда. Зараркунандаларга қарши кураш ва уларни бартараф этишда 67 та биолабораториялар фаолияти намунали йўлга қўйилган. Шу кунгача 720 килограмм трихограмма, 191 млн. дона бракон, 235 млн. дона олтинкўз ишлаб чиқарилиб, ғўза майдонларига (тегишли равишда 7, 2, 4 маротабадан) тарқатилди.

Суғоришга алоҳида эътибор қаратдик. Шарбат суви тараётган сувчилар сонини 3 баробар кўпайтирдик. Чунончи, бостириб суғоришдан воз кечиб, эгат бўйлаб суғоришни ташкил этганмиз. Намнинг бўғланиб кетмаслиги чораларини кўраяпмиз. Шу йўл билан ғўза қатор ораларига камида 2 марта ишлов бериб, культивацияни кўсаклар очилгунга қадар давом эттирмоқчимиз. Чунки халқимиз ғўза — парвариш билан, дейишади. Бу юмуш ҳосил тўплашда асосий ой бўлмиш август — асад ойида алоҳида аҳамиятга эга.

Азат ТИЛЕУМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси, биология фанлари номзоди.

ТУЙҒУСИ

миллатпарвар сиймоларни, минглаб оддий ватандошларимизни, уруш қурбонларини унутмай яшашдир. Улар шу кунларни деб жон фидо этган. Давлатимиз раҳбари айтганидек, шу улуғ зотлар ибрати бўлмаса, уларнинг қони томиримизда гупуриб турмаса, жуда оғир синов ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш осон бўлмас эди.

6.СОҒИНЧ

Соғинчларнинг энг буюги Ватан соғинчидир. Бу беҳад нозик ва ноёб туйғу. Бир умр ўз маҳалласи, шаҳри ва қишлоғидан чиқмай яшаган гўшанишин кишилар учун бундай соғинч балки бегонадир. Аскар йигит ҳарбий хизмат ўтаётганида туғилиб ўсган жойини, яқинларини соғинади, албатта. Чет элга сафар қилган одам орадан уч-тўрт кун ўтмай, оиласини, юртини қўмсай бошлайди. Сафар асносида ошно бўлаётган нарсалари, кўраётган табиат манзаралари, танишаётган осори атиқалари қанчалик ажойиб бўлмасин, барибир, ўз юртига тезроқ қайтгиси келади.

Ватан соғинчига алоқадор тарихий бир лавҳа: XX аср бошларида чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши нафрат, зулм-истибдодга қарши, миллий камситилиш ва хўрликларга қарши кураш кучайди, Туркистонда миллий уйғониш шакллана бошлади, тараққийпарвар зиёлиларнинг порлоқ ўтмишни эслаш ва халққа эслатиш, истибдод туфайли қандай аҳволга тушиб қолганимизни англатиш мақсадида қилган саъй-ҳаракатлари самара бера бошлади. Миллий уйғониш тепасида маърифат аҳллари туришди. 1918 йилда Туркистон жадидларининг пешволаридан бири Мунавваркори Абдурашидхон ўғли маслакдош сафдошлари кўмагида Туркистон халқ университетини очди. Унда Университетга ерли халқ вакилларидан деярли талаба қабул этилмайди. 1920-1921 йилги биринчи ўқув йилида 200 дан ортиқ талаба таълим кўрган бўлса, шулардан атиги 3 нафари ерли халқ вакили эди, холос. Шундай қилиб, илмга чанқоқ Туркистон ёшларига таҳсил йўллари беркитиб қўйилади. Бу ҳолдан ташвишга тушган маърифатпарварлар ёшларни чет элларга, жумладан, Олмония ва Туркияга ўқишга юборишга ҳаракат қилади. 1920-1922 йилларда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларидан 300 га яқин талаба чет элларга ўқишга юборилади. Уларнинг аксарияти тиришқоқлик билан билим олади, олий маълумот эгаси бўлади, лекин қисмати оғир кечади. 1927 йилгача Туркистонга қайтганлари тўғридан-тўғри йўқ қилинади, омон қолгани эса 1937-1938 йилларда қатағонга учрайди. Ёшларни чет элга ўқишга юборишда иштирок этган, ҳаттоки, хайрихоҳлик билдирган зиёлилар ҳам жазодан четда қолмайди. Чунончи, таниқли шарқшунос Лазиз Азиззода 1929 йилдан 1956 йилгача қамоқ ва сургунда бўлади.

Дўстларининг аччиқ қисматидан воқиф бўлган бошқа ёшлар Олмония ёки Туркияда муқим яшаб қолади. Бир умр она Ватанни соғиниб, қўмсаб дунёдан ўтади.

7. ЭЛ-ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Юқорида айтганимиздек, Ватанни севмоқ бизга суннатдир. Ватанини севган, Ватан нима эканини юракдан ҳис этган, Ватанидан айри тушганида уни соғиниб қолган, унга ҳамиша талпинган ҳар бир виждонли одам эл-юрт қайғуси билан яшайди, унинг ярасига малҳам, дардига дармон бўлишга интилади.

«Ўткан кунлар» романидаги бир лавҳани эслайлик: Худоёрхон Мусулмонқулга бўлган адовати туфайли қипчоқ қавмини қиличдан ўтказади. Тошкент ҳокимининг мушовири, яъни бош маслаҳатчиси бўлатуриб, бу қирғиннинг олдини олмагани учун Юсуфбек ҳожидан ўғли Отабек ўпкалайди. Ҳожи унга изтироб билан шундай жавоб қайтаради: *«Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимда азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини ебиғган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди...»*

Бу кўчирмани бежиз келтирганимиз йўқ. Ватанимизнинг истибдод чангалига тушиб қолиши сабаблари унда яққол кўриниб турибди. Биз буни унутмаслигимиз лозим, деб ўйлайман.

Аждодларимиз орасида бирор йирик сиймо йўқки, эл-улус учун қайғурмаган, юрт ташвиши билан нафас олмаган, бетаффиқ золимлар йўлини тўсмаган бўлсин. Улар фидойи, ватанпарвар, фикри тиниқ, мулоҳазали одамлардир. Жалолиддин Мангуберди юртининг асоратга тушаётганидан қайғуриб, жангга отланади. Соҳибқирон Амир Темур мамлакатимизни, халқимизни озодликка олиб чиқади, Ватан истиқболи деб ором-ҳаловат билмайди. Алишер Навоий мамлакат пароканда бўлса, эл тинчини йўқотади, деб шоҳ билан шаҳзодалар ўртасидаги низоларни бартараф этиш учун вилоятма-вилоят кезади.

Бундай мисолларни ҳар бир асрдан, ҳар соҳанинг вакиллари фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Кимнинг ким эканлиги, айниқса, ўтиш даврида яққол намоён бўлади. Биз учун XX аср бошлари ва ҳозирги кунлар шундай ўтиш палласи, дейиш мумкин. Истиқлолдан кейин содир этилган турли тажовузлар фикримизнинг далилидир. Лекин халқимиз Президентимиз бошчилигида озодлигимизни кўра олмаган қора кучларнинг хуруж ва ҳамлаларини, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтди, шу билан бирга, ёш давлатимиз оёққа турди, халқаро миқёсда нуфуз ва эътибор қозонди. Ватанимиз жамоли таниб бўлмас даражада ўзгарди. Турли соҳаларда жаҳон миқёсига чиқаётган ўғил-қизларимиз бўй-басти, донғил одимлари кишида ҳавас қўзғайди.

Шу ҳақда ўйлаганда, улуғ маърифатпарвар Фитратнинг Соҳибқирон саганаси қошида айтган ўтли хитоби хаёлдан ўтади: *«Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтармасдан бурун оёқдан ўтирмасман (тўхтамасман)»*.

Нақадар ёниқ, дардли ва даъваткор сўзлар! Бугун учун ҳам тўла аҳамиятли ва вазифадор сатрлар. Сизу биз ҳам Соҳибқирон бобомизнинг дунёга сиғмаган ғайратига онт ичиб, она Ўзбекистоннинг шараф ва улуғлигини юксалтиришдек буюк вазифага масъулмиз. Қаранг, бу йўлдаги фидойилар, Ватаним, элим-юртим деб жонбозлик кўрсатаётган инсонлар қандай қадр топмоқда. Она тарих адолатни яна жой-жойига қўймоқда.

Шу маънода, Ватан туйғуси бу — ўз Ватанинг, халқинг, буюк аждодларингга муносиб бўлиб яшаш, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш демакдир.

Шукрким, Ўзбекистонимиз ўтган ўн етти йилдан буён бу қутлуғ йўлдан оғишмай, дадил қадам ташлаб келмоқда.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон санъат арбоби.

ХАЛҚ МЕҲРИ ВА ИШОНЧИДАН КУЧ ОЛГАНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)



Хабарингиз бор, дастлаб эркин кураш баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндори Сослан Тигиев (74 кг.) муносиб иштирок этиб, кумуш медаль билан тақдирланганди.

Беллашувларнинг охирги кунида бир йўла уч курашчимиз — Заурбек Сохиев (84 кг.), Қурбон Қурбонов (96 кг.) ҳамда Артур Таймазов (120 кг.)лар медаллар учун курашни давом эттиришди. Гарчи, бу полвонларимизнинг барчаси ўз вазн тоифаларида турли нуфузли мусобақалар ғолиб ва совриндорлари саналишса-да, кўпчилик Афина олимпиадаси олтин медали совриндори ҳамда икки карра жаҳон чемпиони Артур Таймазовнинг имкониятини юқори баҳолаётган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Дастлабки давра учрашувларини муваффақиятли бошлашига қарамай Заурбек Сохиевдан нимчорак финалда, Қурбон Қурбоновдан эса чорак финалда омад юз ўгирди. Улардан маҳоратли ва номдор курашчимиз Артур Таймазовгина барча учрашувларда зафар қучиб, финалгача етиб борди. У дастлаб озарбойжонлик Али Исаевни 6:3 ҳисобида енгди. Чорак финалда ҳамюртимизга Дисней Родригес (Куба) рўбарў келди. Унда рақибига нисбатан ҳар жиҳатдан устун бўлган Артур кубалик спорт-чига ҳеч қандай имконият қолдирмади — 7:1.

Ёдингизда бўлса, Артур Таймазов 2000 йилда Сиднейда ўтган XXVII ёзги Олимпия ўйинларида кумуш медалга сазовор бўлганди. Ушанда ҳамюртимиз ҳал қилувчи учрашувда словакиялик Давид Мусульбесга олтин медални бой берганди. Пекин олимпиадаси ярим финалида Артур айнан ўша словакиялик курашчига қарши гиламга чиқди. Унда рақиби устидан ишончли ғалаба қозонган вакилимиз финал йўлланмасини нақд қилиш билан биргаликда Сидней гиламларидаги мағлубият аламини ҳам олди.

Ҳал қилувчи беллашув Артур Таймазов ҳамда Россиянинг биринчи рақамли курашчиси Бахтиёр Аҳмедовлар ўртасида бўлиб ўтди. Унда тажрибали спортчимизнинг маҳорати эвазига учрашув атиги икки бўлим давом этди (4:0) ва ҳамюртимиз иккинчи маротаба Олимпия чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Артур Таймазовнинг ушбу ғалабаси Ўзбекистон спортчиларига Пекин олимпиадасидаги илк олтин медални туҳфа қилди.

Халқимиз бу ғалабани орзиқиб кутаётган эди. Бунгача эса дзюдочимиз Ришод Собиров (60 кг.) мусобақаларнинг биринчи кунида бронза медалини қўлга киритиб, барчамизни хурсанд қилганди. Орадан кўп ўтмай унинг ортидан яна бир полвонимиз Абдулла Тангриев (+100 кг.) кумуш, батутчимиз Екатерина Хилько бронза медаллари билан тақдирландилар. Сўнгра моҳир гимнастикачимиз Антон Фокин Пекин олимпиадаси шоҳсупасининг учинчи поғонасидан жой олиб, терма жамоамиз ҳисобидаги медаллар сонини оширганди.

Кеча каноэда эшкак эшиш бўйича финал мусобақаларига якун ясалди. Унда баҳсларни муваффақиятли бошлаган пойтахт вилояти вакили, Осиё ўйинлари ғолиби Вадим Меньков ҳам медаллар учун кураш олиб борди. 1000 метр масофага эшкак эшиш мусобақасида ҳамюртимиз маррага тўртинчи бўлиб етиб келди. Агар Вадимнинг эндигина йигирма бир ёшга тўлганлигини ҳисобга олсак, Пекин олимпиадаси ҳамюртимиз учун ўзига хос синов ва тажриба мактаби бўлди, десак, хато қилмаймиз.

Бугун бўлиб ўтадиган таэквондо (WTF) баҳсларида яна икки спортчимиз — Евгения Каримова (+68 кг.) ҳамда Акмал Эргашев (+81 кг.)лар медаллар учун даянга чиқадилар.

Икки ҳафта давомида бутун дунё спорт ихлосмандларини ҳаяжонга солган Пекин олимпиадаси баҳслари эртага ўз ниҳоясига етади.

Эркин ХОЛБОБО,
Анвар ИЛЁСОВ
(«Жаҳон» АА)
олган суратлар.

ДАЛАЙ-ЛАМА ФИКРИДАН ҚАЙТДИ

Далай-Лама Le Monde газетаси орқали ўзи берган баёнотни инкор қилди, деб хабар беради AFP. Унда Лама 18 август куни 140 нафар тибетлик ҳарбийлар томонидан отиб ташланди, деганди. Ўзининг навбатдаги баёнотида Далай-Лама аввал «ҳалок бўлганлар сони» ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаганини айтган. Айтиш керакки, у буни алоҳида таъкидлаган.

Эслатиб ўтамиз, шу йил баҳорда Тибет мустақиллиги тарафдорлари Лхас шаҳрида оммавий тартибсизлик келтириб чиқарди. Унда расмий маълумотларга кўра, 18 нафар, норасмий гап-сўзларга мувофиқ 100га яқин одам қурбон бўлган.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИДАН НОРОЗИ

Цемент ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бири бўлган Семех Жаҳон банкига мурожаат қилмоқчи, деб хабар беради BBC News. Бунга Венесуэла президенти Уго Чавес компаниянинг бир қисмини миллийлаштириш ҳақида қарор қабул қилгани сабаб бўлган. Компания бу хатти-ҳаракатни ноқонуний демоқда.

19 август куни Миллий гвардия зобитлари компаниянинг Венесуэладаги бўлимларини назорат остига олган. Бунгача томонлар 60 кун давомида музокара олиб борган, аммо натижа бўлмаган. Ҳукумат корхонанинг Венесуэладаги бўлимини 650 миллион доллар деб баҳолаган. Компания эса унга 1,3 миллиард доллар миқдорида нарх қўйган.

ҒАЛАТИ ҲОЛАТ

Буюк Британия ички ишлар вазирлиги ходими юз мингдан ортиқ жиноятчи ҳақидаги маълумотлар сақланган хотира картасини йўқотиб қўйди, деб хабар беради Lenta.ru. Картада, шунингдек, 84 минг маҳбуснинг исми, турар жойи, айблов маълумотлари сақланган эди. Яна унда олти йилдан ошиқ муддатга қамалган 30 минг маҳбус ҳақида маълумот ёзилган.

Апрель ойида эса йирик HSBC банки 370 минг мижозига оид маълумотлар жамланган диск йўқолганини билдирган. Бундай ҳол тиббиёт тизимида, ҳатто мамлакат мудофаа вазирлигида ҳам содир бўлган. Умуман, сўнгги вақтларда Буюк Британияда турли соҳаларга оид махфий маълумот карталари тез-тез йўқолиш ҳоллари юз бермоқда.

ЭНГ КАТТА КОКАИН ПАРТИЯСИ УШЛАНДИ

Голландия ҳарбийлари мамлакат тарихида энг катта кокаин партиясини ушлашга муваффақ бўлди, деб хабар беради Focus Information Agency. 167 қопга солинган 4200 килограмм кокаин Венесуэладан Европага отланган юк ташувчи кемадан топилган. Гиёҳвандлик моддасининг таннархи 310 миллион долларни ташкил этади.

ТАЖРИБА НАТИЖА БЕРАДИМИ?

Кичик ҳажмли автомобиль харид қилган москваликларга 24 минг рубль қийматидаги ёнилғи карточкалари берилади, деб хабар қилади РИА Новости. Пойтахт маъмурияти ҳамшаҳарлар орасида кичкина машина харид қилишни оммалаштириш учун шундай тажриба ўтказишга қарор қилган. Унда двигатели 1,3 минг куб/см. ҳажмли, минг тоннадан оғир бўлмаган ва «Евро-3» талабига жавоб берувчи кичик автомобиллар кўзда тутилган.



Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида йодли туз маҳсулотини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда жойларда туз ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар фаолият юритмоқда.

Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихонтуз» масъулияти чекланган жамиятда ҳам айни кунларда иш қизғин. Тадбиркор Тоҳир Аҳмедов ташкил этган мазкур жамиятда «Ўзбекистон» маҳалласидаги ўн нафарга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда. Бу ерда бир кеча-кундузда 7 тонна қадоқлари бежирим йодли туз ишлаб чиқариляпти. Бу маҳсулотлар нафақат Андижон вилояти, балки водий аҳлига ҳам манзур бўлмоқда.

***Суратда:** қадоқловчи Дилдора Бегматова.*

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон.
Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма раиси Абдулла Ориповга акаси
Абдухалил ОРИПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми Ҳайъати партиянинг Хоразм вилоят кенгаши раиси Раимберган Саъдуллаевга волидаи муҳтарамаси
***АНАЖОН** аянинг*
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АМУ-ҚАШҚАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 7:
Лот 7-1. *Миришкор туманидаги «ЮК» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.*
Зовурнинг узунлиги — 67,595 км.
Қурилишни тугаллаш муддати — 5 ой.
Бошланғич қиймати (қўшилган қиймат солиғисиз) — 894.946.884 сўм.
Лот 7-2. *Ғузор туманидаги «Қорасув» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.*
Зовурнинг узунлиги — 45,634 км.
Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.
Бошланғич қиймати (қўшилган қиймат солиғисиз) — 153.486.641 сўм.
Буюртмачи — Аму-Қашқадарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.
Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Гидроузел қўрғони.
Телефон: (8-375) 226-01-78, 780-85-24, (8-371) 141-65-24.
Қурилиш ишлари буюртмачига Молия вазирлиги қошидаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.
Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.
Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.
Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 13 кунгача сотиб олиш мумкин.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

O'. K. U. F. F. T. U. U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Бошқарма ўз тасарруфидаги шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлайди.

Турон

Чинобод

Ботаника

Бўстон

Тошкент шаҳрида:

«ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Тошкент вилоятида:

«БОТАНИКА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон-томир, асаб, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Гинекологик, андрологик, асаб ва эндокрин касалликлар.

«ОҚТОШ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. ***Махсус йўлланма бўйича*** ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Бухоро шаҳрида:

«СИТОРАИ МОҲИ ХОССА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

Жиззах вилоятида:

«ЗОМИН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари. ***Махсус йўлланма бўйича*** ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Қашқадарё вилоятида:

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«МИРОҚИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари. ***Махсус йўлланма бўйича*** ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятида:

«ЧОРТОҚ» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари. ***Махсус йўлланма бўйича*** ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«КОСОНСОЙ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

Самарқанд вилоятида:

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. ***Махсус йўлланма бўйича*** ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Фарғона вилоятида:

«ЧИМЁН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар. ***Махсус йўлланма бўйича*** ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Хоразм вилоятида:

«ХОНҚА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ — 14 КУН.

Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: ***Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй***

Мурожаат учун телефонлар: ***256-85-68, 256-70-97.***

Хонқа

Чимён

Абу Али Ибн Сино

Косонсой

Умид Гулшани

Оқтош

Ситораи Моҳи Хосса

Зомин

Қашқадарё соҳили


Мироқи

Чортоқ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ПАХТАСАНОАТ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Суви зар, тупроғи гавҳар, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг барча аҳолисини, заҳматкаш ва бунёдкор деҳқонларини, айниқса, оқ олтиндан мўл ҳосил етиштираётган пахтакорларимизни Истиқлолимизнинг муборак ўн етти йиллик байрами билан чин дилдан табриклайди.

Орзу-умидларимиз амалга ошаётган ушбу қувончли кунларда барчага тинчлик ва хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилайди.

Серғайрат, тадбиркор деҳқону фермерларнинг юртимиз фаровонлиги ва равнақи йўлидаги ишларида омад ёр бўлсин!



Истиқлолимиз абадий бўлсин, озод ва обод юртимиз тобора гуллаб яшнайверсин!

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13
Madaniyat va sport — 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56
Mas`ul kotib — 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749

7962 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 00.15
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda